ЎҚИ ва УҚИ

Амир Темур ўгитлари

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

Кимки менга келиб қўшилса улуғланади, кимки мен билан курашмоқчи бўлса йиқилади.

Дўсту душман билан муросаю мадора қилдим.

Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

Уламо билан суҳбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо фотиҳа беришларини илтимос қил.

Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд сифатида кўрдим.

Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашроф-улуғлари ва бузурглари билан ошна тутиндим. Уларнинг мижозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим.

Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

Мен ўз салтанатимни дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузук асосида бажардим.

Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.

Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан қолдирмадим.

Ҳар кимнинг қадр-қийматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак.

Подшоҳ ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин.

Яхшини — ёмон кунда сина.

Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим.

Чораси бўлмаган ишга киришма, чунки ундан қутилиб бўлмайди.

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

Шер йигитни номус ўлдирар.

Курашиб эришилмаган ғалаба ғалаба эмас.

Давлат — лашкарлару фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги-ла қудратлидир.

Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг.

Адоват эмас — адолат енгади.

Аввал йўлдош — кейин йўл.

Кечира олишлик — мардлик, кечира билмаслик — номардлик.

Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилгай.

Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар.

Чақалоқларни йиғлатмангиз, болаларга озор бермангиз — бу гуноҳи азим эрур. Бундай гуноҳни Оллоҳ хуш кўрмайди.

Сариосиёда — Президент боғи

Юз, минг, ўн минглаб кишиларнинг хоҳиш-иродаси, қалб ифодаси ҳатто тақирда ҳам боғ кўкартириши мумкин. Агар бу қалбларда тафт, ҳарорат, эзгулик туйғулари тошса...

16 февраль воқеаларидан сўнг сариосиёлик барча кекса отахонлар бир жойга тўпланишди. Маъшум воқеадан кўнгли озор чеккан қарияларга кекса боғбон, 71 ёшли Носирхон ҳожи ота бош бўлди. Йиғиннинг индаллоси шундай — элни яшнатаман, юртни кўкартираман деган Инсоннинг юзига терс қараганлар кўкармайди. Кўкайи кесилади.

Сўнг кўпни кўрган кексаларимиз тумандаги адирликка чиқишди...

Ҳокимлик мўътабар отахонларнинг раъйини қайтармади. 5900 туп сара навли, қизил олма кўчати келтирилди.

Ғайрати жўшган чоллар, азиз боболаримиз шу куни 24 гектар адирликка олма ниҳолини ўтқаза бошлашди. Ҳашар авжга чиқди. Невара-чеваралар ёрдамга келди. Қарабсизки, кенг яланглик кўчатзорга айланди.

Иш тугади. Қош қорайди. Отахонлар, барча ҳашарчилар дуога қўл очиб, юртимизда тинчлик, тўкин-сочинлик бўлсин деб дуо қилишди.

Сариосиёликлар боғни Президент боғи деб аташди...

Ҳа, тиниқ-тиниқ баҳор келди. Олмазор қийғос гулга тўлди. Тепалик кўзни қамаштиради. Нур ва муаттарлик таратади.

Чиройли ёзлар келади. Адирлик қип-қизил олмалар бўйига тўлади. Қуёш акси қайтади мевалардан. Ловлов ёнади мевалар.

Шундай халқнинг боғи кўкармаслиги мумкинми? Оллоҳ назари тушган Инсон номи билан аталган боғнинг ҳосилга кирмаслиги мумкинми?

Яратган эгам эзгу ўйлар билан яшаётган халқнинг иқболини берсин. Йўлбошчимизнинг йўли ойдин бўлиб, йўлларида боғлар яшнайверсин. Фарзандларимиз яйрасин.

Бир ёзлар келади... Бир кузлар келади. Сариосиё адирларидан қип-қизил олмалар узамиз.

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Элчи Наманганда бўлди

Мисрнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Мамдуҳ Шавқий Наманган Давлат университетига ташриф буюрди. У университетда ташкил этилган араб тилини ўрганиш марказининг очилиш маросимида қатнашди.

Маросимда сўз олган элчи жаноблари марказ туфайли икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланишига, бу эса илм-фан ривожига ҳисса бўлиб қўшилишига ишонч билдирди. Алишер Навоий номидаги вилоят театрида меҳмонлар шарафига университет талабаларининг концерти намойиш этилди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 10 апрель, шанба • № 44 (24.439).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Орол муаммоси ижобий томонга ўзгармоқда

АШГАБАД, 9 апрель (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун 8-9 апрель кунлари Туркманистон пойтахтида бўлди.

Минтақамиз мамлакатлари давлат раҳбарларининг Ашғабад саммити, албатта, фақат бир мавзу билан чекланиб қолгани йўқ. Саммитнинг биринчи кунидаёқ кун тартибидан Орол муаммоларидан ташқари, бошқа масалалар ҳам жой олди. Булар сирасида минтақа миқёсидаги интеграция жараёнлари, давлатлараро муносабатлар ҳам кўриб чиқилди. Президентлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожига туртки берадиган, давлатларимизнинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига интеграциялашувини фаоллаштирадиган минтақавий лойиҳаларни муҳокама қилди. Ушбу лойиҳалар Каспий денгизи энергетика захираларини жаҳон бозорига етказиш, электр энергияси экспортини кенгайтириш, телекоммуникация, темир йўл ва автомобиль йўли алоқасига тааллуқлидир. Учрашувда минтақавий миқёсдаги ва давлатлараро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Аммо, дастлаб учрашувнинг бош масаласи бўлган Орол муаммосига қайтайлик. Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистон мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ минтақавий муаммоларни биргаликда ҳал этишга бел боғлади. Хусусан, Оролбўйидаги экологик бўҳрон давлатларимизни бир ёқадан бош чиқариб ишлашга ундади. Натижада Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма 40 миллионга яқин нуфуслик минтақада янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолини зарур доридармон, тиббий хизмат ва ичимлик сув билан таъминлаш борасида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, минтақа мамлакатларининг изчил саъй-ҳаракатлари Орол муаммоси ечимига йирик халқаро молиявий ташкилотлар, кўплаб хорижий давлатларни жалб қилди.

Саммитда Ўзбекистон раҳбари — Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Президенти Ислом Каримов жамғарманинг 1997-1999 йиллар давридаги фаолияти ҳақида сўзлади. Ўтган вақт мобайнида Орол муаммоси ижобий томонга ўзгараётганини кузатиш мумкин. Масалан, Оролбўйида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан улкан ишлар амалга оширилмоқда, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, ичимлик сув билан таъминлаш яхши йўлга қўйилди. Орол денгизи сатҳининг пасайиши тўхтади.

Аммо, шундай бўлса-да, ечимини кутиб ётган муаммолар ҳали кўп. Хусусан, Ислом Каримов минтақада сувдан тежамли фойдаланиш йўлга қўйилмаганини таъкидлади. Албатта, эҳтиёжимизни қондириш учун минтақада сув заҳиралари етарли. Бироқ, асосан Амударё ва Сирдарё ҳамда буларнинг ўзанларидан бошқа манба йўқлигини ҳисобга олиш лозим. Оддий мисол, беш ярим миллион нуфуслик Исроилда йилига икки миллиард куб метр сув сарфланади, қариб эллик миллиондан зиёд аҳоли яшайдиган бизнинг минтақада эса бу кўрсаткич юз миллиард куб метрга тенг. Яъни, тежамсизлик оқибатида бешолти баробар кўп сув сарфланади. Ҳисоб-китобларга қараганда, сув заҳираларидан тўғри, тежамли ва масъулиятли равишда фойдаланилса, сарфланаётган сув миқдорини камида ўн фоизга камайтириш мумкин.

Учрашувда Ислом Каримов бу масалага ёндошганда, айниқса, одамларни тежамкорликка даъват қилиш лозимлигига эътибор қаратди. Дарҳақиқат, лойиҳа ишлаб чиқиш, амалга ошириш мумкин, лекин одамлар унинг моҳиятини билмаса, муаммони англамай, умумминтақавий ишга онгли равишда бош қўшмаса, кутилган натижага эришиш қийин.

Мамлакатимиз раҳбари сув заҳиралари ҳақида сўзлар экан, минтақанинг айрим давлатларида сувдан электр энергияси олиш имконияти кўплигини, лекин бу имконият ишга солинмаётганини қайд этди. Ҳақиқатан ҳам, хорижда имкон йўқлиги боис шамолдан, қуёш нуридан фойланилаётганини кўп эшитамиз. Бизнинг минтақада эса аксинча, қулай имконият бору уни ишга солиш йўқ. Минтақадаги сув заҳираларида баликчилик соҳасини ривожлантириш ва оқава сувлардан фойдаланишни йўлга қўйиш борасида ҳам имкониятлар кўп. Давлатимиз раҳбари саммит иштирокчиларини бундай масалаларни умумминтақавий саъй-ҳаракатлар билан ечишга даъват қилди.

Ўзбекистон Президенти айни пайтда кўпроқ имкониятлар доирасидаги лойиҳаларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Чунки йирик лойиҳаларга салоҳият ва маблағ етишмаслиги мумкин. Халқаро ташкилотларнинг ҳам катта лойиҳаларни молиялаштириши қийин кечади. Маълумотларга қараганда, Орол муаммоси билан боғлиқ лойиҳаларнинг фақат йигирма фоизи минтақа давлатлари томонидан молиялаштирилмоқда, қолган қисми эса халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар зиммасига тушаётир.

Ашғабад саммити қатнашчилари Ўзбекистон раҳбарининг таклиф ва мулоҳазаларини қўллаб-қувватлади. Ислом Каримовнинг Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раҳбарлиги даврида улкан ўзгаришлар амалга оширилгани алоҳида таъкидланди.

Шундан сўнг жамғарманинг янги президенти масаласи кўриб чиқилди. Жамғарма низомига биноан, унга раҳбарлик қилиш муддати икки йилдан иборат. Ашғабад саммитида Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов жамғарма раҳбарлигини қабул қилиб олди. Саммит кун тартиби доирасида Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, жамғарма ва унинг қошида очилган ташкилотлар мавқеини белгилаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Учрашув якунида Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистон раҳбарларининг Қўшма баёноти ҳамда Орол муаммолари бўйича учрашув якунларига доир Ашғабад Декларацияси қабул қилинди.

Саммит ниҳоясида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди. Унда Президентлар кўриб чиқилган масалалар, эришилган келишувлар хусусида сўзлади. Давлат раҳбарлари журналистларнинг минтақавий интеграция жараёнлари, давлатлараро муносабатлар хусусидаги саволларига ҳам жавоб қайтарди. Хусусан, Туркманистоннинг МДҲ мамлакатлари билан визасиз тартибни бекор қилиши масаласига ойдинлик киритилди. С. Ниёзовнинг таъкидлашича, визасиз тартиб мамлакатга четдан жиноятчилар киришига ва бошқа кўнгилсизликларга имкон яратмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Туркманистон ҳукуматининг бу қарорига муносабат билдириб, уни тўғри тушуниш лозимлигини таъкидлади. Албатта, айни вақтда, масалан, Ғарбий Европада кучли интеграция жараёнлари бошланиб, аксинча визасиз тартиб жорий қилинмоқда. Бу замона руҳига мос ҳаракат. Лекин, бизнинг минтақада вазият бироз бошқача. Мисол учун жиноят бир давлатда тайёрланади ва ўзга бир мамлакатда содир этилади, ижрочилар эса учинчи мамлакатга яширинади. Шу каби масалаларни ҳисобга олсак, Туркманистон раҳбариятининг визасиз тартибни бекор этиш тўғрисидаги қарори ўз вақтида қабул қилинган тўғри қарордир, дейиш мумкин.

МДҲ доирасида юз бераётган ўзгаришларнинг минтақавий интеграция жараёнларига таъсири ҳақидаги саволга Президентлар деярли бир хил мазмунда жавоб қайтардилар. Хусусан, минтақа давлатлари халқларини тил, дин, тарих ва маданиятдаги муштаракликдан ташқари, нонга, ер-сувга, меҳнат ва меҳр-шафқатга бир хил муносабат ҳам бирлаштиради. МДҲ доирасида «катта оға» сингари тушунчаларга энди чек қўйилди.

Матбуот анжуманида Тожикистонда Россия ҳарбий базаси очилиши масаласи ҳам кўтарилди. Албатта, ҳар бир давлат қайси мамлакат билан қандай муносабат қуришни ўзи белгилайди. Хусусан, ўз ҳудудида хорижий мамлакатнинг ҳарбий базасини очишга ҳуқуқи бор. Лекин миллий манфаатлар, давлатнинг дахлсизлик ва хавфсизлиги, суверенитетини сақлаш нуқтаи назаридан олганда, таъкидлаш керакки, ўз тупроғида ўзга мамлакатнинг ҳарбий базаси очилишига рухсат беришдан ҳеч бир давлат фойда кўрмаган. Бунга яқин ўтмишдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу «аньана» «совуқ уруш» даврларини эслатади.

Саммит доирасида давлат раҳбарлари Туркманистон пойтахтида барпо этилган янги иншоотлар билан ҳам танишди. Хусусан, Ашғабадда 1948 йили рўй берган ва қарийб 160 минг кишининг ҳаётига зомин бўлган зилзила қурбонлари хотирасига атаб бунёд этилган ёдгорликка гулчамбар қўйилди. Президентлар Бетарафлик аркини ҳам зиёрат қилдилар.

(ЎзА)

Суратни Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 1999 йил 14 апрель куни соат 10^{00} да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 13 апрель куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки таркибига кирувчи Олий Мажлис депутатлари диққатига

Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши 12 апрель куни ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида соат 17 да бошланади.

13 апрель куни Олий Мажлисда «Адолат» Социал-демократик партияси фракциясининг ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилишлари ўтказилади. «Ватан тараққиёти» партиясининг фракцияси ўз йиғилишини Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг мажлислар залида ўтказади.

Бу йиғилишлар соат 15 да бошланади.

Буюк соҳибқиронга эҳтиром

Мамлакатимизда буюк соҳибқирон Амир Темур таваллуд куни кенг нишонланмоқда. Амир Темур беназир давлат арбоби ва бунёдкор шахс сифатида жаҳон цивилизацияси ва маданиятини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшди. Унинг маънавий мероси ўзбек миллий давлатчилигининг мустаҳкамланишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

9 апрель — Амир Темур таваллуди куни юртимиз пойтахтининг улуғ бобоколонимиз номи билан юритилувчи хиёбони одамлар билан ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Бу ерга Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари ва муассасаларнинг раҳбарлари, меҳнат ва уруш фахрийлари, ёшлар, хорижлик меҳмонлар келдилар.

Амир Темурнинг майдонга шукуҳ ва салобат тўкиб турган улуғвор ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев, Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов қатнашди.

(ЎзА)

Жалолиддин авлодлари майдонда

Хоразм вилоят ҳокимлиги буюк бобомиз, улуғ саркарда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги муносабати билан вилоят отчопарида катта тадбир ўтказди. «Жалолиддин авлодлари» деб номланган мусобақатомошаларда вилоятнинг барча бурчакларидан, қолаверса, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятидан ташриф буюрган чавандозлар куч синашдилар. Шунингдек, миллий кураш, қўчқор, ит, хўроз уриштириш каби анъанавий томошалар бўлиб ўтди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Энг кўп китоб ўқиганлар

Нишон тумани «Самарқанд» жамоа ширкат хўжалиги кутубхонасида 5000 нусха китоб мавжуд. Кутубхонанинг 600 нафар обуначиси бор. Яқинда ажойиб тадбир ўтказилди. Ўтган йили энг кўп китоб ўқиган фаол обуначилар аниқланди. Бунга кўра Ўралов, Қораев, Чориевлар оиласи йилнинг энг фаол китобхонлари деб топилди. Бу оилаларнинг ҳар бирида бир йил ичида 100 га яқин китоб ўқилган.

Кутубхона мудираси Мингпора Абдуллаеванинг эътироф этишича, хўжалик раҳбарининг ўзи шеърий асарларни кўпроқ мутолаа қилар экан.

Илҳом ҚАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Кредитлар берилмоқда

Республика давлат акционерлик тижорат «Асака» банкининг Жиззах вилоят филиали «Автотеххизмат» ва «Сангзор ЛАДА»га хизмат қилиш билан бир қаторда мижозлари сонини тобора оширмоқда. Халқ хўжалигининг турли тармоқларига кредит бериш банк фаолиятининг асосини ташкил этади.

— Ўтган йили тадбиркорларга 27,5 миллион сўм кредит берилган эди. Шу йилнинг дастлабки уч ойида эса ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга 19 миллион сўм кредит ажратдик. Яқин кунларда уларга яна 30 миллион сўмлик қисқа муддатли кредит бериш учун барча ҳужжатлар тахт қилинди, — дейди банк бошқарувчиси Нурмуҳаммад Юсупов.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИСЛОМ КАРИМОВ

(Эҳтиром шеъри)

Ойдек балққан бул кеча хосиятли туш кўрдим,
Хизрсифат инсонни элиаро хуш кўрдим.
Юрагида Аму, Сир оқиб ётар — қўш кўрдим —
Бу зот — Ислом Каримов! Ул зот — Ислом Каримов!

Ўзбекистон номига пайвастадир — ИСЛОМ ном,
Боқийлик — чаманзордан гулдастадир — ИСЛОМ ном!
Ки, жаҳон саҳнида ҳам ҳавасдадир — ИСЛОМ ном —
Номдор Ислом Каримов, Чинор Ислом Каримов!

Сарбоним — оқил, доно—карвон йўлда толиқмас,
Улуғликда улуғу... эли учун — солиҳ, бас!
Ҳаттоки ИСЛОМ номи — ҳа, «Қурён»дан... муқаддас,
Бизга Ислом Каримов, азиз Ислом Каримов!

Элим, юртим деб ёниб — Қуёш мисол порлайди,
Феъли янглиғ баҳри кенг — юртга дўстни чорлайди.

Миллат учун байроқ, дер, Навоийнинг ҳар байти —
Не тонг, Ислом Каримов, ҳар тонг Ислом Каримов!

Ҳар қатра тер — сара дон, шоли, буғдой ўрсангиз,
Табассуми — бу юртнинг — шод чеҳрани кўрсангиз.
Бийрон тил гўдакдан ҳам юрт ОТАсин сўрсангиз —
Дегай: «Ислом Каримов — бобом Ислом Каримов!»

Самарқанд минорлари ярашиқли бўй берган,
Эл бахтин ўйласин деб фикрий теран ўй берган.
Фарахбахш айёмларда катта-катта тўй берган —
Шошда Ислом Каримов, Кешда Ислом Каримов!

Етти йилда етмиш ранг — камалак боғ-чаманлар,
Энди бизга бир қадам — АҚШ, Япон, Яманлар...
Кўринг — тўрдан жой бергай нуфузли анжуманлар —
Буюк Ислом Каримов, суюк Ислом Каримов!

Азал-азал қуёш тенг сочар бошдан зиёни,
Ким билмас — ЎЗБЕКИСТОН деган қутлуғ маъвони?!
«Сиёсат майдонида лол қолдирар дунёни —
Сизнинг Ислом Каримов, жаноб Ислом Каримов!»

Ўзбегимнинг фахри шу — бу... дунёвий эътироф,
Бу айни ҳақиқат-да, не бахт, асло йўқдир лоф.
Садо бергай ҳаттоки афсонавий Кўҳиқоф —
Садо: «Ислом Каримов, аъло Ислом Каримов!»

Ногоҳ ёвуз калхатлар тутиб осмон-фалакни,
Нишонга олмоқ бўлди, эвоҳ, Сизнинг юракни?!..
Маҳв этиб бўлгайму — энг юксак камалакни —
Шундай Ислом Каримов, юксак Ислом Каримов!

Бу дунёю, у дунё қасд қилганлар паст бўлсин,
Ким соғинса ёмонлик — бу бир сабоқ — дарс бўлсин!
Яратган Эгам, илло, асрагани рост бўлсин —
Сизни Ислом Каримов, юртни Ислом Каримов!

Қадимдан ҳар бир Шоҳга нисбат бор: «...олампаноҳ»,
Сарбаланд эҳтиром — бу, ҳар қалай, мозий — гувоҳ.
Ки, буюк ИСЛОМини қўлласин қодир Оллоҳ —
Мудом Ислом Каримов, ҳар чоғ Ислом Каримов!

Қўл очади дуога ҳар отахон, онахон —
«Илоё, Юртбошимиз кўп йиллар бўлсин омон!»
Сиз билан устувордир мустақил Ўзбекистон —
Сардор Ислом Каримов, сарвар Ислом Каримов!

Бунёдкорлик азмида Ўзбекистон ҳар они,
Ўтганларни ёд этар — боқ, Хотира майдони!
Қадр топгай элимнинг Собир Раҳим, Чўлпони —
Шердил Ислом Каримов! Эр бил, Ислом Каримов!

Насиб этса, Ватанни бирга буюк айлаймиз,
Ҳар зарра тупроғини жондек суюк айлаймиз.
Ки, аҳёр юрагини ўртаб... куюк айлаймиз —
Сиз бор Ислом Каримов, биз бор Ислом Каримов!

Қалбим фақат буюрса — қўлга қалам оламан,
Ҳумомиз берган бахтни ёниб шеърга соламан.
Абдуллоҳнинг онти бу: минбаъд содиқ қоламан —
Сизга Ислом Каримов! Юртга Ислом Каримов!

Абдулла ТУРДИЕВ



Жорий йилда Сирдарё вилоятининг Сайхунобод тумани пахтакорлари 15068 гектарга чигит қадашни, шундан 2250 гектарида плёнка остига экишни режалаштирган. Хўжалик далаларида 145 та сеялкадан фойдаланиляпти. Бу йил 7 минг гектарга «Ан-Боёвут-2», 8 минг гектар майдонга эса «Юлдуз» нави экилади. Туман бўйича 15 апрелгача чигит экишни тугаллаш мўлжалланган. Айни пайтда «Шўрўзак», «Гулистон» ва «Бўстон» ширкат хўжаликларида чигит экиш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Суратларда:

1. «Шўрўзак» ширкат хўжалиги бригада бошлиғи Алишер Оқмуродов (чапда) ва бош ҳосилот Суннатулло Ўсаров.
2. Далаларда иш қизғин.

Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Қаловини топса қор ёнади

Мана, Олий Мажлисга сайланган депутатлар муддати ҳам охирлаб бормоқда, яъни, ғалвир сувдан кўтариладиган, кимнинг нима қила олганию кимнинг нима қилолмагани маълум бўладиган вақт етилди. Демоқчимизки, халқ берган овоз билан депутатлик ваколатига эга бўлган шахслар айнан шу ваколатдан фойдаланиб халққа қанчалик хизмат қила олганини энди сарҳисоб қилаверса бўлади. Тўғри, бизда совет давридагидек наказлар йўқ. Депутатнинг асосий вазифаси халқ фикрини мужассамлаштириб, унинг номидан Олий Мажлисда вакиллик қилиш, керак бўлса халқ ҳуқуқларини талаб қилиб олиш, қабул қилинажак қонун ҳужжатларининг халқ манфаатларига мослиги учун курашишдан иборат. Аммо, бу депутат учун ўз сайловчиларининг бошқа муаммосига бефарқ бўлишга ҳеч қачон йўл очиб бермайди. Шу маънода «Ўзбекистон овози» газетаси янги рукнни йўлга қўйишга қарор қилди. Токи, депутатлар орасида халқ учун ўз имкониятларидан фойдаланаётганлари ҳам, айни пайтда, сайловдан кейин халқни эсидан чиқарганлари ҳам борлигини одамлар билиб олсин.

Хуллас, рукнимиз меҳмони билан танишинг.

Мирҳамзаев Мирмуҳсин Мирфайзиевич, 181-Марғилон сайлов округидан депутат, ХДП аъзоси. «Ўзбекистонтемирйўллари» Давлат ҳиссадорлик жамиятининг Фарғона дирекцияси бошлиғи, Халқ демократик партияси фракцияси, Олий Мажлиснинг бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси аъзоси.

Депутат минбари

— Саволимиз бевосита Олий Мажлисдаги депутатлик фаолиятингиз ҳақида. Биламизки, сессияларда кўрилаётган масалалар телевидение ва радио орқали халққа етказиб турилади. Аммо, бу жараён бизда жуда силлиқ кечаётгандек кўринib қолади. Гўё депутатлар совет давридагидек асосан овоз бериш билан шуғулланаётгандек. Бу эса Россиядаги тортишувли-тўполонли сессияларни экранлардан кўрган халқ учун жуда сустдек, қуруқ расмиятчиликдек туюлиши мумкин. Шу маънода ўз муносабатингизни билдирсангиз. Бизда бу масалалар қандай ҳал қилинади?

— Бунақа кайфият асло бўлмаслиги керак. Россиядагидек ур-тўполондан худо асрасин. Бизда ҳамма масалалар сессияга қадар ўта босиқлик билан ва ишчанлик руҳида кўриб чиқилади. Сессия материалларини бир-икки ой олдин оламиз. Уларни халқ орасида муҳокама қиламиз. Фикрлар, таклифларни ўрганамиз ва буларни жамлаган ҳолда қўмиталарга етказамиз. Қўмита аъзолари барча фикрларни ўрганиб, бир тўхтамга келади. Шу жойнинг ўзида ҳар қанча эътирозлар ёки таклифлар бўлса кўриб чиқилади. Шундан кейингина материал сессияга қўйилади. Аксарият ҳолда эса улар биринчи ўқишда қабул қилинмасдан, яна халқ муҳокамасига қайтарилади. Билдирилган таклиф-мулоҳазалар битталаб ўрганиб чиқилиб, янаги сессияга қўйилади. Менимча, қонун чиқарувчи орган фаолиятида бундан ортиқ демократия бўлмаса керак. Халқда сиз айтаётган кайфият юзага келмаслиги учун эса журналистларнинг бу жараённи, Олий Мажлисдаги ишлар моҳиятини очиб бериши жудаям зарур.

Лекин, халқ ҳаётимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни кўриб-билиб турибди. Авваллари энг кичкина қурилиш учун Москвадаги казо-казолардан рухсат олиш керак эди. Бугун, қаранг, қанча бир-бириданг ўзал иморатлар юртимиз кўркига кўрк қўшяпти. Мана, ўз машиналаримизга эга бўлдик. Кечагина қурилиш ойналари учун Қозоғистонга югурардик, бугун ўзимизнинг Қувасой бу ишни чиройли йўлга қўйди. Биргина Фарғонадаги иншоотларни кўрсангиз кўз қувонади. Ёки Қўқондаги Миллий банк биносини олайлик, кимнинг тушига кирувди бу ерда тўққиз қаватли бино қурилади, деб.

Буларнинг ҳаммаси ҳукуматимизнинг, депутатларимизнинг тўғри йўлдан бораётганлигининг белгиси.

— Журналистлар ҳақида гапириб ўтдингиз, матбуотга муносабатингиз қанақа?

— Матбуотга ихлосим жуда баланд. Мен уни чинакам тўртинчи ҳокимият деб биламан. Сизлар борсизлар, ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсат, ислоҳот жараёнларини халқ тўғри тушуниб олаяпти. Ахир одамлар қанчалик тўғри ахборот олса шунчалик тинч бўлади. Шуни англаган ҳолда матбуотга катта имкониятлар яратилди. Қанча-қанча янгидан-янги газеталар пайдо бўляпти. Фақат, ягона мақсад йўлида улар бирлашиши керак. Мен буни енгилмас куч деб биламан.

Боя Россия ҳақида гапирган эдингиз. Мен уларнинг матбуотдаги баъзи ишларига ҳам нафрат билан қарайман. Улар кичкина битта нарсани ҳам давлат сиёсатига боғлаб халқни чалғитади. Бу эса, ўз-ўзидан, пароканда-ликка олиб келиши тайин. Нима демоқчиман, матбуотдек катта кучдан ғаразли йўлда эмас, юксак мақсадларга эришиш йўлида фойдаланиш лозим.

— Шу ерда бир нарсага баҳо бериб кетсангиз, баъзида айрим раҳбарлардан фикр олиш учун ойлаб қарсон бўлишимизга тўғри келади. Журналистдан қочганлари-қочган. Бунинг сабаби нимадайкин?

— Аввало, ўз фикрига эга бўлмаган, фақатгина бировнинг топшириғи билан иш қилишга ўрганган одамларгина матбуотда бир гап айтишдан қочади. Қолаверса, бундайларда қилаётган ишига ўзининг ҳам ишончи бўлмаса керак деб ўйлайман.

— Бугун биз ислоҳотлар даврида яшаяпмиз. Суҳбатимиз сўнгида ана шу жараёнда яққол кўзга ташланиб турган ва тезда ечимини топиши зарур бўлган қайси муаммоларга тўхталишни лозим деб биласиз?

— Биз асосан аграр давлатмиз. Шундай экан, энг катта муаммоларимиз ҳам шу соҳада бўлади. Шу боис кўплаб янги қонунлар қабул қилинди. Эндиги навбат уларни тезроқ амалда жорий қилиш. Яқингача соҳанинг энг асосий муаммоси техника масаласи билан боғлиқ эди. Кейинги ишлардан кўриняптики, бу муаммолар ҳам тез орада ўз ечимини топади, соҳа оёққа туриб олади. Фақат, ислоҳотларни жойларда пайсалга солмаслик лозим. Ўзингиз биласиз, бизнинг энг катта ютуқларимиздан бири дон мустақиллигига эришганимиз бўлди. Бир пайтлар Голландияда 70 центнердан ҳосил олинади, деб ҳавас қилардик. Ана, Андижон ўтган йили 71 центнердан олди, 70-80 центнердан ҳосил кўтарган хўжаликлар бўлди. Мен бошоқларни олиб келиб одамларга кўрсатдим. Баъзи бир шубҳа қилганлар ўз кўзи билан кўриб ишонч ҳосил қилди. Демак, ҳамма нарсанинг йўлини топса бўлади. Ўзимизда ўғит чиқаяпти, техника чиқаяпти, қуёш нури етарли, тупроғимиз яхши, биздан талаб қилинадигани фақат изланиш ва меҳнат, холос.

Нурбек ТОШНИЁЗ суҳбатлашди.

Жаҳон полвонлари «кураш» ошуфтаси

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳеч бир нарса Ватан довруғини спортчалик тезда оламга ёйолмайди. Хусусан, тарихда биринчи маротаба спортнинг миллий кураш турини жаҳон ҳамжамияти, хусусан спорт жамоатчилиги «кураш» ибораси остида эътироф этиши кундан кунга чуқур ва кенг маъно касб этмоқда. Спортимиз тарихи саҳифаларини безаган ўша воқеа, яъни «кураш» бўйича халқаро ассоциация тузилганлигига ҳали бир йил бўлгани йўқ. Зеро, курашни турли мамлакатларда севиб қолишди. Тошкентда ўтказилган кураш бўйича халқаро мусобақадан кейин спортнинг бу тури довруғи янада кенг ёйила бошлади.

Кеча Тошкентда кураш бўйича биринчи марта ўтказиладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш ташкилий қўмитасининг ишчи гурухи йиғилишида ана шулар ҳақида фикр юритилди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси божхона қўмитаси раиси — Республика кураш федерацияси президенти У. Комилов бошқарди. Йиғилишга эса спорт қўмиталари, вилоят ҳокимликлари, ташкилий қўмита аъзолари, ҳомийлик қилувчи ташкилот вакиллари тўпланишди. Халқаро кураш ассоциацияси бош котиби Аббос Тўйчибоев жаҳон чемпионатига тайёргарликнинг бориши ҳақида ахборот берди. Мазкур ассоциациясининг президенти Комил Юсупов эса курашнинг аҳамияти, турли мамлакатларда спортнинг бу турига эътибор ортиб бораётгани, илк марта уюштирилаётган жаҳон чемпионатини ҳар жиҳатдан таассуротларга бой ва унутилмас бўлиб қолиши ҳақида сўзлади. Шунингдек, мамлакатимиз курашчиларининг тайёргарлиги, бу борада ат-Термизий хотира соврини учун ўтказилган халқаро мусобақага Осиё чемпионати мақоми берилиши билан унинг аҳамияти янада ортганлиги эътироф этилди. Бугунги кунда 20 мамлакатдан полвонларнинг Тошкентга келиши ҳақида расмий мактуб борлиги маълум қилинди. Иштирокчиларнинг сафи янада кўпаяди. Аслида Осиёдан 15, Африка, Америкадан 10 ва Ҳамдўстлик мамлакатларидан яна 15 та таклифлар бўлиши мўлжалланган. Йиғилганлар меҳмонларга шарт-шароитлар яратиш, уларни кутиш, жойлаштириш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, эсдалик совғалари ва мукофотлар ҳозирлаш ҳақида ҳам фикр юритишди. Мусобақанинг матбуот марказини жаҳон андозалари даражасида ташкиллаштириш ҳақида таклифлар айтилди. Бир сўз билан айтганда жаҳон чемпионатига тайёргарлик ўз маромида давом этаётгани маълум бўлди.

Ҳайдар НОСИРОВ

Меҳмонлар хурсанд қайтишди

Намангандаги «Дўстлик» теннис мажмуаси халқаро мусобақалар ўтказиладиган масканга айланиб қолди. Яқинда бу ерда ёшлар ўртасида III халқаро турнир бўлиб ўтди.

Дунёнинг саккиз давлатидан ташриф буюрган меҳмонлар мусобақалар учун зарур шароитлар яратилганидан мезбонларга раҳматлар айтишди. Турнирнинг якунловчи босқичи Россия ва Белорусия вакилларининг тортишувлари билан ўтди.

Вилоят ҳокими Т. Жабборов ҳокимликнинг қимматбаҳо совғаларини мисрлик Маҳмуд Сами Ризқ ва ўзбекистонлик Луиза Бектяковаларга топширди.

Мамат МАҲМУД

63 миллион сўм фойда

Усмон Юсупов туманида «Пахта банк»нинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Йўл қурилиши идораси эса бир неча шарқона кўринишдаги шох бекатларни қуриб битказди. Яна ўнлаб савдо дўконлари, маиший хизмат тармоқлари ҳам ишга тушди.

— Ўтган йил 63 миллион сўм соф фойда олдик, — дейди «Миришкор» кооператив ширкат хўжалиги раиси Шодмонқул Чориқулов. — Шундан 12 миллион сўми пайчиларга дивиденд тариқасида тарқатилди. 1998 йили 624 ўринли замонавий мактаб ишга тушганди. Яқинда яна бир худди шундай мактаб қуриб битказилади. Бунинг учун эса хўжалик ҳисобидан 40 миллион сўм ажратилган.

Илҳом КАРОМОВ

Яхшилик йўлда қолмас...

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Навоий вилоятининг аксарият туман ва шаҳарларига малакали шифокорлар гуруҳи юборилди. Булар олис Томди, Учқудуқ, Конимех, Нурота қоракўлчилари ва қўзилатиш мавсумидаги чўпон-чўлиқларга зарур тиббий ёрдам кўрсатадилар. Энг муҳими, улар кимёгарлар шаҳри Навоийга 36 турдаги Японияннинг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини ҳам олиб келишди. Ускуналарнинг асосий қисми вилоят ва шаҳар болалар касалхонасига берилди.

Музаффар ШАРОПОВ

Кейинги бекат — виждон

Аслида умр йўллардан иборат. Йўлга чиққан ҳар бир инсон эса яхши ният билан чиқади. Умр катта-кичик, узоқ-яқин йўллардан, унинг турли бекатларидан иборат эканлигига ишонгинг келаверади.

Демак, ўз-ўзидан, ният холис. Умр йўлларининг бекатларига тўхтай-тўхтай, секин илгарилаймиз. Йўлнинг машаққатли эканлигига тез-тез гувоҳ бўламиз. Ҳамроҳларнинг яхши ёмони-ю, карвон тўхтайдиган манзилларнинг инсоф-имони билан юзма-юз келамиз.

Бу йўлларда баъзан бизга қуёш, тунларда фонус кўтарган ой, йўл кўрсатувчи юлдузлар, дайди шамол, йиғлаётган ёмғир, осмон онамизнинг элагидан тўкилаётган оппоқ қор ҳамроҳ бўлади.

Йўлингизни баъзан қора мушук кесиб ўтади. Қалбни баъзан қўрқинчли хаёллар, соғинч, армон, унутилмас муҳаббат, айрилиқ, меҳрга зор кўзлар, қўл силкиб қолган мурғак юраклар, қўлини дуога очган оталар ва уларнинг нурга йўғрилган сиймолари эгаллаб олади.

Бутун йўл давомида сизни нимадир таъқиб этади. Пурвиқор тоғлар, йўл чеккасидаги дарахтлар, адирларнинг қоқ кўксида уйғонган майсалар, чайқалиб турган лолалар, қирга ўрлаган қўй-қўзилар. Кишнаб югураётган отлар бир зумга сизни чалғитгандай бўлади.

Хаёл эса умр китобининг саҳифаларини секин варақлашда давом этади. Ҳақиқат шундаки, сиз Виждон билан худди мана шу йўлларда юзма-юз келасиз. Орқага қайтолмайсиз. Бутун йўл давомида қийноқли саволларга ўзингиз-ўзингизга жавоб берасиз. Олий ҳакам Виждон адолат тарозусида ҳар бир қилмишингиз, умрингизнинг ўтган ҳар бир кунини кўз олдингизда сарҳисоб қила бошлайди. Инсон ўз-ўзини фақат йўлларда алдай олмайди. Баҳоналар тарозу палласини босмайди. Сиз фақат чин Сўз олдида ёлғиз қоласиз. Йўлларнинг сўроқлари, хотиротнинг изтироблари сизни таъқиб этишдан бир зумга тўхтамайди.

Биринчи бекат

Илк қадам. Сиз барча сўроқларга виждонан жавоб бериш учун ўзингизнинг илк қадамингизни ташлайсиз. Биринчи бекатга етиб бориш жуда оғир кечади. Сиз қўйилиб келаётган саволларни йироқ ҳайдайсиз. Йўлингиз унмаётганидан куйинасиз, асаблар таранглашади. Наҳот ҳали ҳам илк манзилга етолмадим, — дея куйинасиз. Аслида ҳам биринчи бекатга етиб бормоқ қийин кечади. Жуда узоқ юрганга ўхшайсиз. Таниш манзаралар. Лекин илк бекатдан ҳеч қандай нишона йўқ. Кейин бирдан ўйлай бошлайсиз? Биринчи бекатнинг номи нима эди. Хотирангиз панд беради. Сиз яна эслашга уринасиз ва секин-аста ўзингиз сезмаган ҳолда изтироб билан юзма-юз қоласиз.

Сиз беихтиёр унинг эшигини ланг очиб юборганингизни сезиб қоласиз ва илк бекатга етиб келасиз.

Иккинчи бекат

Бутун борлиғингизни исмсиз қайғу эгаллайди. Нимага минг бора ўтган йўлнинг илк бекатини унутдим, — дея қайғура бошлайсиз. Нимага изтироб эшикларини очиб юбордим, — дея афсусланасиз. Йўлга тикилган кўзларингиз мунгли боқади. Сиз хотиралар, қайғулар қўмилган илк бекатни босиб ўтиб қайғуга чўмасиз. Ва иккинчи бекат Қайғу бекатига етиб келганингизни ҳис этасиз. Иккинчи бекатга етиб келиш машаққатли эмас. Чунки инсон бир дақиқадаёқ бекатига етиб келиб қолиши мумкин. Энди юракни бир туйғу эгаллайди. У ҳам бўлса Қайғу!

Учинчи бекат

Энди сизни эзаётган изтиробли қайғули хаёллардан юрагингиз ларзага келади. Сиз учинчи бекат ҳақида ўйламай қўясиз. Хаёл оламининг минг бир эшигини очиб юборасиз, минг битта савол олдида жавобсиз турасиз. Хаёллар эса, тўхтовсиз қуйилиб келаверади. Дунё эса ҳар доимгидек қаҳқаҳа уриб кулаверади. Сиз шунда учинчи бекатнинг номини унутиб қўйганингиздан изтиробга тушасиз. Қайғурасиз. Ҳаёл денгизига ғарқ бўлиб, Тахайюл майидан сипқорасиз. Ва бирдан ёдингизга учинчи бекатнинг номи Тахайюл эканлиги келиб қолади. Ҳа хаёл майи, учинчи бекат Тахайюл.

Тўртинчи бекат

Ўзингиздан изтиробли қайғули хаёлларни йироқ ҳайдайсиз. Тахайюл майи тўлдирилган қадаҳ ерга тушиб чил-чил синади. Ўзингизни овутасиз, билмасдан қўлим тегиб кетди-ку дея, ўзингизни ишонтирмоқчи бўласиз. Ҳа фақат ўзингизни. Чунки сизни изтиробли, қайғули, хаёлли оламингиз ва ўйларингиз фақат ўзингизники. Сиз Тахайюл тўлдирилган қадаҳни атайлаб синдирдингиз-ку, тонмоқчи бўласиз. Наҳотки, инсон ўз-ўзи билан ёлғиз қолганда ҳам ёлғон гапирса. Ахир, сизнинг рост ва ёлғонингиз ҳеч кимга керак эмаслигини, наҳотки тушунмасангиз. Тўртинчи бекатга келиб қолганингизни сезиб безовта бўласиз. Тўртинчи бекат Юпанч.

Бешинчи бекат

Тахайюл тўла қадаҳ чилчил синган. Қайғу ва изтироб, изма-из қувиб келаётган, бу йўлнинг узунлигига яна бир бор ишонасиз. Нимага унинг охири кўринмайди. Нимага бутун оламингизни азоблар эгаллаб олган. Наҳот, Юпанч бекати сароб бўлса! Наҳотки, йўл сўнгсиз, чексиз-чегарасиз армонлардан иборат бўлса. Бешинчи бекат Армон эканлигига ишонмайсиз. Тўхтаб қарашга вақт йўқ. Бекат атрофларида эса ялангоч армон кезиб юрибди. Армон.

Олтинчи бекат

Олтинчи бекат имкон. Сиз келдим, — дея тушиб қолиш учун изтироб, қайғу, тахайюл, юпанч, армон тўлган кўнглингизни олиб тушишга тайёрланасиз.

— Имкон бекатида тўхтатиб юборсангиз дея қаётга илтижоли боқасиз. Бу сўнгги имкониятингиз эканига ишонасиз. Кўнгилни қўлингизга ушлаб имкон бекатига етиб келганингизга қувонасиз. Ҳаётнинг, Имкон бекатига сизни туширib кетишига ишонасиз. Барчасини унута бошлайсиз. Яхши ҳам бекатлар борлигига ич-ичингиздан севинасиз. Ҳаёт шу ҳилда, ўз маромида давом этаверади. Сукунатдан сўнг қулоқларингизга ишонмайсиз — йўқ мени кутишаяпти. Мен имкон бекатида тушиб қолишим керак. Бу, ахир, менинг сўнгги имкониятим, тўхтатинглар!

Ҳаётнинг шафқатсиз ҳукми жаранглайди:

— Ҳурматли йўловчи, ҳеч кимга, ҳеч қачон олтинчи имкон берилмайди. Кейинги бекат — ВИЖДОН.

Еттинчи бекат

Бу ёруғ дунёдаги барча йўллар энг сўнггисида виждон бекатига келиб туташади. Кейинги бекат эса ВИЖДОН.

Фаррух ҲАМРОЕВ

Ислом КАРИМОВ:

Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда

Мустақил Ўзбекистонда тарихий ўтмишни чуқур, ҳар томонлама, илмий, холисона ўрганиш масалаларига, мамлакат йўлбошчиси — республика Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида, берилаётган устувор эътибор барчага маълум. Бундан кўзланаётган асосий мақсад — миллий ўзликни англаш. Ўзликни англаш олдимизда турган улуғвор вазифаларни самарали уддалашнинг муҳим шарти. Аждодларимиз кимлар? Улар бизга қандай маънавий ва маданий мерос қолдиришган? Ўтмишимизнинг қандай шонли ва фожеали саҳифалари мавжуд, уларнинг туб негизларида қандай омиллар ётибди? Тарихимиздан, унинг фожеали саҳифалари ҳеч қачон қайтарилмаслиги учун, қандай сабоқлар чиқаришимиз лозим? Ушбу саволларга жавоб бериш мустақил юртимиз тарихшунослигининг бош вазифасини ташкил этди.

Ўтмишга ёндашишнинг ўзи ниҳоятда мураккаб ва қалтис нарса. Мозийни фақат қора бўёқларда тасвирлаб, яъни ёмонлаб, таърифлаш қанчалик нотўғри бўлса, унга фақат мадҳиялар ўқиш ҳам шунинг ўзгинасидир. Масаланинг яна бир мураккаблиги шундаки, тарихий воқеаларни, уларга замондош бўлган муаррихлар асарлари, ҳужжатий манбаларнинг ўзидан тўппа-тўғри келиб чиққан ҳолда, холисона ўрганиш мушкул иш... Зеро, муаррихлар ҳам, ҳатто, ҳужжатий манбалар ҳам муайян давр хукмрон доиралар манфаатларини бир томонлама ифодалаб, тарихий воқеа, ҳодисани холисона ёритмаган бўлишлари мумкин.

Тарихни ўзгартириб бўлмайди, дейдилар. Чунки, хоҳлаймизми ёки йўқми, у аллақачон юз берган. Лекин, уни турлича, исталганча талқин қилиш мумкин... Тарихдан фақат сабоқ чиқариш мактаби сифатида фойдаланишга даъват этадилар. Табиийки, тарихнинг икир-чикирларини, яъни улар қандай юз берган бўлсалар, худди шундай тарзда, ҳеч қачон тиклаб бўлмайди. Бироқ, унинг ички мантиқий мазмунини англаш ва ундан тегишли сабоқ чиқариш мумкин. Аммо, ҳамма гап шундаки, тарихдан ким нимани сабоқ қилиб олишни маъқул кўради?! Албатта, кимга нима керак бўлса, у шуни олади-да...

Бизга тарихий ёндашувнинг ўта муҳим моҳиятий хусусиятини ифода этувчи, қуйидаги фикр маъқулдай кўринади. Унга биноан: тарих ҳам сиёсат бўлиб, у ўтмишга йўналтирилган. Ким шу кунни назорат этса, у ўтмишни ҳам назорат қилади ва, шунингдек, ким ўтмишни назорат этса, келажак ҳам уникидир. Демак, тарихий сабоқларнинг қиймати уларнинг жорий ҳаётдаги аҳамияти билан ўлчанади.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизда адолатпеша жамият, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, она-Ватанимизни замонанинг илғор давлатлари қаторига қўшиш ва ҳоказолардан келиб чиқадиган бўлсак, таниқли адиб Пиримқул Қодировнинг **«Хумоюн ва Акбар»** («Авлодлар довони») тарихий романининг (Т. «Шарқ», 1997-608 б.) ҳақиқий баҳосининг нақадар юксак эканлигини англамаслик мутлақо мумкин эмас.

XXI асрни эсдаликнавислик асри бўлади, деб башорат қилишмоқда. Демакки, далилий ашё, расмий ҳужжатларга асосланган асарларни ўқиш китобхонлар учун алоҳида маъно ва мазмун касб этадиган бўлади. Бундан, тегишли манбаларга асосланган ҳолда битилган, тарихий мавзулардаги бадиий адабиётнинг мавқеи ҳам ошажагини билиш қийин эмас.

П. Қодировнинг «XXI аср ўзбек романи» туркумида чоп этилган асарини, ёзувчининг «Юлдузли тунлар» («Бобур») китоби каби, XXI аср мутолаачилигининг «даракчи қушларидан бири», деб аташ мумкин. Нафақат бадиий йўналиш нуқтаи назаридан, балки, биринчи галда, мазмун, яъни асарда қамраб олинган масалалар, ғоялар, муаммолар, фикр-мулоҳазалар, жиҳатидан ҳам.

Китобни ўқиган киши, беихтиёр, XVI асрга саёҳат қилаётгандай бўлади. Дастлабки қарашда, унда тасвирланган воқеа ва ҳодисалар — шоҳлар, шаҳзодалар, беклар, амирлар, маҳарожаларнинг тинимсиз ўзаро уруш-жанжаллари, шунингдек, сарой аёнлари, амалдорлар, шариат пешволари орасидаги келишмовчилик, фиску-фасод, хоинлик, садоқатсизлик, субутсизлик, порахўрликлар улар томонидан йўл қўйилган қандайдир бир жузъий ҳолат, англашилмовчилик натижаси, юзакичиликдай туюлади. Айни пайтда, бобурийлар сулоласининг ёрқин намояндалари — Ҳумоюн ва Акбарнинг олийжаноб мақсадларига, ҳатто, уларнинг туғишганлари ёки фарзандлари ҳам эргашавермайдилар... Ундан ҳам кўпроқ — темурийзодалар сулоласининг Бобурдан (1483-1530) кейинги вакиллари — Ҳумоюн (1508-1556) ва Акбарнинг (1542-1605) Ҳиндистондаги ҳукмронлигининг қарийб чоракам 100 йиллик тарихи, асосан, аввал Комрон, Ҳиндол Мирзо ва Аскарийлар (Ҳумоюннинг инилари) сўнг Муҳаммад Ҳаким (Акбарнинг иниси) ҳамда Салимнинг (Жаҳонгир, Акбарнинг ўғли) тожи тахт учун курашлари, жангу жадаллари билан тавсифланади. Курашнинг қай даражада муросасиз, аёвсиз, бешафқат бўлганлигини шундан ҳам билса бўладики, охир-оқибатда, урушлар ҳамда тожу тахт талашларида нафақат минглаб кишиларнинг ёстиғи қурийди, балки, шаҳзодалардан — Ҳиндол Мирзо, Аскарий ва бошқалар, турли сабаблар билан ҳалок бўладилар, Комрон ва Хисравлар (Салим, яъни Жаҳонгирнинг ўғли), уларнинг кўзларини кўр қилиниши орқали, жазоланадилар... Шаҳзодалар ораларига урилган «понанинг» тирқиши, аслида, мазкур жамиятда халқ билан ҳокимият орасидаги туб узилишнинг ўзига хос кўринишидан бошқа нарса бўлмаган. Бу ораликдаги амалдорлар учун эса ҳийла-найранг билан яшашдан ўзга илож қолмаган. Улардан ҳалол-покларининг ҳаёти, одатда, аянчли тугаган... Шу боисдан бўлса керак, шоҳларга хизмат қилиш «арслоннинг комидан гўшт олиб ейишга» қиёсланган. Начора, «осмон йироқ, ер қаттиқ», деб шунга айтсалар, ажаб эмас: «яшашни хоҳласанг, пилдираб ўйинга тушишни ҳам бил!».

П. Қодировнинг кенг қамровли асарида, XVI асрнинг бошларида Ҳиндистонда Бобур асос солиб кетган салтанатни мустаҳкамлаш, ҳинд элида марказлашган қудратли давлатни барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракатларни Ҳумоюн ва Акбарлар томонидан машаққатли давом эттирилишини ранг-баранг бадиий бўёқларда тасвирлаш билан бирга, ўша давр ижтимоий ҳаётининг турли-туман мазмун ҳамда йўналишлардаги манзаралари ўрин олган. Чунончи: бобурий ҳукмдорларнинг шахсий турмушлари, уларнинг ўз қариндош-уруғлари, сафдошлари, оддий халқ вакиллари билан инсоний муносабатлари; Ҳумоюн ва, кейинчалик, Акбарнинг давлатни адолат тамойиллари (табиатдаги уйғунликка мутаносиблик, одамларни руҳан якдил қилиш) асосида бошқаришга уринишлари, уларнинг мазкур йўналишдаги тинимсиз изланишлари, ислоҳотлари, мамлакатда ободончилик ишларини йўлга қўйишлари; давлат ва диний ҳокимият ҳамда турли динлар ўртасидаги муаммо, можаролар, жамиятдаги турли — шоҳлардан тортиб, то оддий фуқароларгача — ижтимоий қатламлар вакиллари ўртасидаги одамий (жумладан, Хонзода-бегим, Ҳамидабону, Гулбадан-бегим, Моҳим энага, Жодҳа Бай, Салима, Низом, Турдибек, Байрамхон, Абулфазл, Подар Мал, Вирсал Прасад ва бошқалар қиёфасидаги) муносабатларнинг мазкур даврда чуқур илдиз отган (Афзалбек, Саид Халил, Ансорий ва ҳ. каби тимсоллар намоён этган) қабиҳлик, разилликлар билан тўқнашувлари шулар қаторига киради.

Шунингдек, асарда Ҳумоюн ва Акбарнинг, ота-замин — Турон ва Эрон, Туркия ҳамда Португалия, Франция, Англия, Россия давлатларига нисбатан, жумладан уларнинг Ҳиндистонда ҳозир бўлган вакиллари тимсолида, кейинчалик, тегишли оқибатларга олиб келган, сиёсатлари, тутган йўллари ҳам ёритиб берилган.

Тарихий роман мазмунига жо бўлган ҳаётий воқеа ва ҳодисалар тавсифи, таҳлили ҳамда талқинлари қандай?

Улардан чиқадиган асосий хулоса, сабоқлар нималардан иборат?

Ҳиндистон тарихидаги бобурийлар даврининг Ҳумоюн ва Акбарларга тегишли босқичлари билан танишиш, юзаки қараганда, гўёки, уларнинг фақат тожу тахт учун курашлари ҳамда, шулар боис, эришилган ютуқ ёки талофотларидан иборатдай бўлиб кўринади. Тожу тахт муаммоси қанчалик муҳим бўлмасин, табиийки, у барча юз берган ҳодисаларнинг бирдан-бир, яккаю-ягона, пировард сабаби бўла олмайди. Кишилик жамиятидаги барча давр ва замонлар бу дунёни, ҳамиша, барча учун, манфаатлар, уларнинг кураши, тўқнашуви олами эканлигидан далолат беради, холос. Жамият, манфаатлар тўқнашуви натижасида, ўзини ўзи ҳалок қилмаслиги учун унинг муайян барқарор ҳолатда бўлишлиги тақозо этилади. Ушбу манфаатларни, ҳатто, керак бўлганда, куч ишлатиш, зўравонлик йўли билан, «муросага» келтириб туришга хизмат қилувчи давлат ҳокимияти пайдо бўлади. Жамият тараққиётининг демократиягача бўлган даврида ушбу «барқарорлик», ҳукмрон ижтимоий гуруҳнинг унга тобе ижтимоий табақа манфаатлари билан «мувозанати», наслдан наслга, «ота мерос» тарзида, ўтадиган, моҳиятан, мутлақ, яъни амалий жиҳатдан чекланмаган, ҳокимиятни рўёбга чиқарувчи давлат (подшо, шоҳ, хон, амир ва ҳ.) идораси томонидан таъминланган. Ижтимоий ҳаётни идора этиш, уни бошқаришнинг мазкур шакли, пировард натижада, жамиятнинг ўзи қандай эканлигидан, яъни унинг аъзолари ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатлар ривожининг тегишли даражасидан, келиб чиқади. Яна бошқача қилиб айтиладиган бўлса, гап шундаки, биз`буни қанчалик хоҳламайлик, мазкур муносабатлар ривожининг даражаси давлат ҳокимиятининг унинг ўзига хос ва мос шаклини вужудга келтиради. Айтмоқчимизки, Ҳумоюн ва Акбарга отасидан мерос ўтган давлат шакли улар яшаган давр, унинг руҳи, ривожи даражасига тамомила монанд бўлган. Унинг «қалтис» жиҳатлари, авваламбор, ҳукмдор сиёсатининг жузъий қусуридан эмас, балки, айни ушбу жамиятнинг ўзининг тегишли «қалтис» табиатидан келиб чиққан. Масалан, жаҳолат гирдобидаги кенг халқ оммаси ҳали давлатни онгли тарзда шакллантириш, уни бошқаришда фаол иштирок этишга қодир бўлмаган. Ўз-ўзидан маълумки, бундай шароитда давлат ё энг бадавлат кишига, катта мулк эгасига тегишли бўлиши мумкин, ё давлат ҳукмдори энг бадавлат киши, катта мулк эгаси бўлмоғи зарур. «Зари борнинг зўри бор», деб шунга айтадилар... Тожу тахт наслдан наслга «ота мерос» бўлиб ўтар экан, у, одатда, тўнғич ўғилники бўлади. Бошқа ўғиллар, уларнинг фарзандлари бундан бебаҳра қоладилар... Ҳолбуки, уларнинг орқасида, ҳар хил баҳоналар билан, вазиятни ўзгартиришдан манфаатдор жиддий кучлар бўлади... Устига устак, тахт соҳибининг ўзга оналардан туғилган инилари бўлсалар, вазият янада чигаллашади. Бундай ҳолатда, ўзга мамлакатлар подшоҳлари билан қуда-кудағай бўлиш анъаналари ҳам, одатда, тескари натижа беради...

Тожу тахтни қўлга киритиш йўлида «кўз кўриб, қулоқ эшитмаган» мудҳиш воситалар ишга солинади. Кўриниб турибдики, қадимги ва ўрта асрлардаги, хусусан ички, уруш-лар «касали», мазкур жамиятлар танасига «қон билан кириб, жон билан чиқадиган», «давосиз дард» бўлган.

П. Қодировнинг асарини ўқир экансиз, бунга тўла ва тамомила иқрор бўласиз. Масалан, бир томондан, оға-инилар ўртасидаги низолар, иккинчи томондан, бир вақтлар отаси Бобурдан бошпана топган, афғон сипоҳиларидан келиб чиққан Шерхон (Ҳумоюнни Ҳиндистондан 15 йилга сиқиб чиқарган Шершох) билан уруш-лар, учинчи томондан, ўз атрофидаги айрим амалдорлар сотқинлиги боис боши қотиб қолган Ҳумоюн куюниб, кимга таянишни ҳам билолмай қолганлиги ҳақида нола қилади. Отаси Бобур унга, тахт билан бирга, ўз «қисматини» ҳам мерос қолдирганлигини таъкидлайди... Уни дарёда чўкиб ҳалок бўлишдан қутултириб қолган Низом эшкакчи Ҳумоюнни кўпчиликка — халққа таянишга даъват қилади. Бироқ, халқ, кўпчилик ҳали жаҳолат гирдобида... Халқ билан Ҳумоюн ўртасида эса порахўрлик, риёкорлик, мунофиқлик, сотқинлик ботқоғига қулоғигача чўккан амалдорлар мавжуд...

Адолат йўлидан изчил боришга қарор қилган Ҳумоюн Низом эшкакчини ўз ўрнига подшо қилиб кўтаради. Бироқ, сарой аёнлари уни, танадаги «бегона жисм» сифатида, улоқтириб ташлайдилар, бир умрга майиб-мажруҳ қиладилар. Низом эшкакчининг тахт соҳиби бўлганидан хурсанд бева-бечора, энди, бизнинг ҳам кунимиз туғди, деб суюнган бўлсалар, унинг ўзи шоҳлик мавқеидан, биринчи галда, тезроқ суюкли ёр висолига етишиш ва зудлик билан зиндондаги отаси ўрнига шайхулислом Саид Халилни солиш учун фойдаланади. Низомнинг мазкур хатти-ҳаракатлари унинг атиги бир неча кун давомидагина тахтда ўтиришига сабаб бўлади.

Жамиятнинг адолатсиз тарзда ташкил топганлиги нафақат оддий халқ, балки, шоҳлар қисматини ҳам ниҳоятда оғир қилганлигини китобдан билиб олиш қийин эмас. Шоҳларнинг бешикдаги болалари ҳам доимий хавф-хатар остида яшаганлар. Ҳатто, ота-болани (Акбар ва унинг ўғиллари Салим, Мурод, Дониёлларни) бир-бирига ғаним ёки оқибатсиз қилган ҳолат ҳам айни ғайриинсоний негизларда ташкил топган бешафқат ижтимоий тартиботларнинг ўзига хос инъикоси эди. Бундай шароитда ҳамма хавотир, ҳадиксираш остида яшашга маҳкум, фиску-фасод, риёкорлик, мунофиқлик, ҳийла-найранг, гадойдан то шоҳгача (Шерхоннинг Шайбонийхонга ўхшашлиги) бўлган, барчани қамраб олади. Инсон ҳаётининг пашшача қадри йўқ. Ҳажга боришдек муқаддас сафар ҳам амалдорларни, жумладан шоҳларни ҳам (Улуғбекни эсланг), ўлимга маҳкум этишнинг (чунки, улардан қасд олувчи хундорлар бор) ниқобланган йўлига айланади.

Дунёнинг «ғалатилиги» шундаки, шоҳнинг «мутлақ» имкониятлари ҳам, аслида, чекланган, яъни, мабодо, шоҳ халққа ён босайин деса, масалан, ғайридинлардан (Ҳиндистонда мусулмон эмаслар кўпчиликни ташкил этган) олинадиган солиқни (жизя) бекор қилса, бундан мусулмон руҳонийлари норози бўлганлар ва, аксинча, бундай солиқнинг мавжудлиги, кишиларни диний жиҳатдан бир-бирларидан ажратиб, давлат билан халқ орасига рахна солиб турган.

Диний ихтилофларни бартараф этиб, барча динлар ва уларга эътиқод этувчиларни ўзаро тенг эканликларини эътироф этиш, буни давлат сиёсати даражасига кўтариш Акбарни, бутун умри давомида, ҳам мамлакат ичкариси, ҳам унинг ташқариси, жумладан ота юрти — Туронзамин — Туркистонда, даҳрий, деб айблашларга асос бўлиб хизмат қилди, уни не машаққатлар билан барпо қилган марказлашган давлати пойдеворини ларзага солиб турди.

Диний ҳокимиятни давлат ҳокимиятидан устун қўйиб, бундан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилувчи виждонсиз руҳонийларнинг риёкорликларидан ғазабга келган Ҳумоюн шайхулисломни олий давлат аёнлари қаторидан (аҳли давлат тоифасидан) чиқариб, иккинчи даражали қаторга (аҳли саодат тоифасига) ўтказади. Акбар эса ўзининг маънавий раҳнамоси Салим (Низом) эшкакчининг руҳонийларга ҳеч қандай ҳокимият, бойлигу мартаба берилмаслиги кераклиги тўғрисидаги фикрларидан келиб чиқиб, мужтаҳид — энг олий фақиҳ ва барча диний низоларни ҳал қилиш бўйича фатволарни чиқариш ҳуқуқини ўз қўлига киритади.

Диннинг давлатдан ажратилиши тўғрисидаги инқилобий амалиётга ҳали анча эрта бўлса-да, аммо, ушбу ҳолат унга томон қўйилган муҳим қадам, диннинг яккаҳокимлигига берилган жиддий зарба эди. Дарҳақиқат, дин билан давлат бир-бири билан айрича бўлмоқлари зарур. Зеро, давлатда мажбурийлик, зўравонлик унсури бор, дин эса бандасининг Яратган билан ихтиёрий ички боғланишидир. Диннинг давлат билан айқаш-чайқаш бўлиб кетиши, бир томондан, хурофий кучларнинг давлат идораларидан ғаразли мақсадлар йўлидан фойдаланиш имкониятини туғдирса, иккинчи томондан, у давлатни ўзининг дунёвий вазифаларини рисоладагидай бажариш имкониятидан маҳрум этади, кўпмиллатли мамлакат ҳалқи орасига нифоқ солади ва ҳ. Бундан ташқари, диннинг давлатдан ажратилиши, бу — асло дахрийлик дегани эмас, балки, дин динлигини, давлат эса давлатлигини қилиши лозим эканлигини эътироф этишдир. Динга мўътадил ишонувчилар, айни пайтда, жамият ва давлатнинг яхши фуқаролари ҳамдирлар. Диний жангарилик — жамият ва давлат хавфсизлигининг ашаддий душмани. Шу боис ҳам, дунёнинг барча илғор мамлакатларида, унга қарши курашадилар.

Хўш, эзгуликка даъват этувчи диннинг жаҳолатпарастлар қуролига айланмаслиги учун нима қилмоқ керак? Бунга юксак маънавият ва маърифатни қарши қўйиш зарур! Ҳумоюн ўз фарзанди Акбарга насиҳат қиладики, ҳамиша, ҳатто, хаёлий бўлса-да, аммо, улуғвор ғоя, орзулар оғушида яшамоқ лозим. Акбар ҳам, ўз навбатида, фарзандларига шундай ўгитлардан сабоқ бериб, маънавият, маърифат, билим, адолат салтанат мустаҳкамлигининг ҳал қилувчи омиллари, Ҳиндистонни ўз қўлига киритишнинг қулай пайтини пойлаб юрган Ғарб давлатлари домига тушиб қолмасликнинг бош гарови эканликларини алоҳида таъкидлайди. Чунки, жаҳолат йўли залолат ва адолатсизликдир, маънавий ва маърифий йўл эса — адолат ҳамда равнақдир. Нотўғри йўл мингта бўлса, тўғри йўл ҳамиша биттадир ва уни фақат доно, билимлилар топа оладилар.

Бироқ, барибир, охир-оқибатда, ҳаётнинг аччиқ тақозоларидан ҳафсаласи пир бўлган Акбар отаси Ҳумоюннинг давлатни бошқариш тартиботига табиатдаги уйғунликни жорий этиш ҳамда, ўзининг, инсонларни руҳий бирлаштириш орқали, одамзодни бахт-саодатга эриштириш томон ҳаракатларининг ҳали-бери амалга ошмайдиган сароб эканлигини англайди.

П. Қодиров асарида қатор бадиий қиёфалар орқали очиб берилган саҳифалардан, фикримизча, яна иккита муҳим сабоқ келиб чиқади. **Биринчидан,** табиат қанчалик, ўзидаги ички мувозанат, уйғунлик билан, мафтункор бўлмасин, унга шунчаки тақлид қилишнинг ўзи жамиятни юксакликка кўтара олмайди. Табиат ривожининг гултожи бўлмиш инсон ақлзаковатисиз, унинг бунёдкорлик қудратисиз табиатнинг ўзи ҳам ривожланиш имкониятидан маҳрум бўлиб, акс ҳолда, у ўзининг ёввойи ҳолатида абадулабад қолиб кетган бўларди. Фақат жамиятни инсоний, адолатли негизларда қуришгина, унинг билан табиат ўртасидаги уйғунликка, демакки, табиат ва жамиятнинг ўзаро ҳамоҳанг, барқарор ривожланишларининг ишончли пойдеворига айланиши мумкин. **Иккинчидан,** маънавият масаласига келсак, унинг тор мазмунда, яъни фақат оқ билан қорани, баҳс орқали, фарқлаб берувчи восита сифатида, тушунилиши кўзланган мақсадга элта олмайди. Зеро, инсон ҳаёти моҳиятан, маънавий ҳодиса бўлмай, маънавиятдангина иборат бўлмай, у, авваламбор, амалий тусдаги воқеликдир, ҳодисадир. Маънавиятнинг ўзи ушбу амалий воқеликни инсоний асосларда ташкил этишнинг воситаси ҳисобланади. Албатта, одам юксак маънавиятсиз ҳам яшаши мумкин, бироқ, унинг ўзгалар, шу жумладан ўз яқинлари, қариндош-уруғлари билан инсоний муносабатлар доирасида яшаши учун айни юксак, жамиятнинг барча аъзоларини ўзининг бепоён сарҳадлари билан қамраб олувчи, уларни давлат ҳокимиятининг чинакам уюшган манбаи, шакллантирувчиси ва балогардонларига айлантирувчи, маънавият зарур бўлади. Маънавият ўзининг тақдиршумул вазифасини бажара олиши учун у иқтисодий соҳада илғор техника ва технологияга айланмоғи, ижтимоий-сиёсий жабҳада эса барча фуқаролар онгли фаоллигининг туб ғоявий негизини ташкил этмоғи лозим. Бошқача қилиб айтганда, инсоний ижтимоий ҳаёт шундай заминга қурилмоғи зарурки, токи фақат маънавияти юксак фуқароларгина амалий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида (энг муҳими, моддий жиҳатдан) яхши яшайдиган ва, шу туфайли ҳам, ҳеч кимнинг нодонлик гирдобида қолиб кетишининг имкониятлари мутлақо қолмасин.

Башарият тарихидаги салоҳиятли ақл-заковат соҳибларининг, жумладан Ҳумоюн ва Акбарнинг, бутун вужудини, борлиғини қамраб олган — адолат, комил инсон, тенглик каби «абадий» қадриятларнинг рўёбга чиқиши бизнинг замонамизга келиб, умумбашарий ҳаётий заруратга айланди. Бундан 500 йил аввал аждодларимиз пешқадамлари фикри-ёдини чулғаб олган эзгу-армонлар қачонлардир ёниб, ҳали тўла ўчиб улгурмаган гулхан чўғларини эслатади. Зеро, ушбу чўғлар, эндиликда, узлуксиз нур таратишга даъват этилган мангу ёруғлик сарчашмаси бўлиб хизмат қилажаклар. Авлодлар карвони олийжаноб мақсадлар йўлидаги навбатдаги довонни забт этиш ҳаракатида.

Мустақил Ўзбекистон, жаҳоннинг аксарият мамлакатлари, халқлари қаторида, адолатли, инсонпарвар жамият, демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан собитқадамлик билан, дадил бормоқда. Чинакам инсонийликни ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳа ва даражаларида изчил қарор топтириш заруратини чуқур англаш даъвати замонамиз эшигини, кўҳна тарихнинг туб қаъридан ҳам, тақиллатмоқда, қоқмоқда.

Тарихда мутлақ ҳокимият номини олган давлат бошқаруви шакли — жамият аъзоларининг, жумладан, ҳатто, ҳукмдорни ўзининг ҳам, ижтимоий ҳуқуқсизлиги ифодасидир. Зеро, мутлақ ҳам, ҳукмдорнинг ўзи ҳам, том маънода, эркин эмас. Чинакам «мутлақ ҳокимият», бу — ҳар бир фуқаро, жамият аъзоси учун озод, эркин инсон ҳаётига дахлдор ҳуқуқларнинг изчил рўёбга чиқиши демак. Бунга фақат жамиятни инсонийлаштириш, инсонни эса ижтимоийлаштириш, яъни барча салбий, масалан, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, коррупция, диний, ирқий камситиш ва ҳ. каби, иллатларни бартараф этиш, инсон ички дунёси билан уни ўраб турган табиий ҳамда ижтимоий муносабатлар мутаносиблигини таъминлаш орқали эришиш мумкин. Бундай шароитдаги адолат — ҳамма ерда, барча даража ва миқёсларда ҳамма учун қарор топган бўлади.

Ҳассос, забардаст ёзувчи, тарихимиз билимдони, оташин ватанпарвар адиб, таниқли жамоат арбоби П. Қодировнинг «Ҳумоюн ва Акбар» тарихий романи булардан яққол далолат бермоқда ҳамда, шу боис, у, ижтимоий онгимизни янада бойитувчи, теран фалсафий мазмун ила суғорилган, жиддий асар сифатида, юксак таҳсинга, шубҳасиз, лойиқдир.

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
фалсафа фанлари доктори

Самарбахш адоқлар Салтанати

Ҳукуматга таслим бўлди

СЕНЕГАЛ. Мамлакат жанубидаги Казаманс вилоятининг мустақиллиги учун кураш олиб бораётган айирмачилар курашни тўхтатганини эълон қилди ва ҳукуматга таслим бўлди. Бу ҳақдаги хабарларда айтилишича, Казаманс демократик кучлари ҳаракати (КДКҲ) исёнчилари ўз жангчиларини қуролсизлантириш ва қуролларни ҳукуматга топшириш тадбирини ниҳоясига етказган. Бироқ, Сенегалда чиқадиган «Сюд катидьен» газетасининг ёзишича, исёнчиларнинг бир қисми ҳамон ҳукуматга таслим бўлишдан бош тортмоқда.

Кейинги режа — «Агни-3»

ҲИНДИСТОН. Бу ерда ўрта узоқликка учадиган «Агни-2» қитъаларараро ракетаси синовини ниҳоясига етказиб, катта узоқликка учадиган «Агни-3» ракетасини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, ушбу ракетага жанговар ядровий каллакларни ҳам жойлаштириш мумкин. АҚШ маъмурияти Ҳиндистондан замонавий ракеталарни ишлаб чиқаришни тўхтатишни талаб қилиб келаётган эди. Шунга қарамай, Ҳиндистон ҳукумати ядро ташийдиган ракеталарни ишлаб чиқариш зарур, деб ҳисобламоқда, дейилади Ҳиндистон мудофаа вазирлигидан тарқатилган хабарда.

Сўровлар натижасига кўра...

ЯПОНИЯ. Токиода чиқадиган «Нихон кэйзай» газетасининг ёзишича, Вазирлар Маҳкамасига Кэйдзо Обути раҳбарлик қилаётганидан буён мамлакат аҳолисининг унга бўлган ишончи икки баробар ошган.

Жамоатчилик орасида ўтказилган сўровлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, 35,4 фоиз японялик ҳукумат фаолиятини қўллаб-қувватлар экан. Ўтган йили шу вақтда эса ҳукуматни бор-йўғи 17,3 фоиз аҳоли қўллаб-қувватлаган эди.

Экспертлар Япония ҳукумати обрўсининг бу даражада кўтарилишига унинг мамлакат иқтисодиётини юксалтириш йўлида аниқ сиёсат олиб бораётганлигидир, деган фикрни билдирмоқда.

Келишиб олиш учун чақирилди

АҚШ. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Гвинея-Бисауда урушаётган томонларни мамлакатда сайловлар ўтказиш учун тезроқ келишиб олишга чақирди.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Гвинея-Бисауда миллий тотувликка эришиш учун Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий ҳамжамияти (ЭКОМОГ) минтақадаги ҳарбий можароларга барҳам бериш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатларга юқори баҳо берди. Шунингдек, БМТ минтақадаги давлатлар ва халқаро ташкилотларни ЭКОМОГ ҳарбий кузатувчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун молиявий кўмак беришга яна бир бор даъват этди.

(ЎзА)

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятлари жамоаси «Ўзбекистон овози»нинг ходими Абдулла Пўлатовга акаси

Алиакбар ХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Эълонлар

Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан «Ильрок» хусусий фирмаси банкрот деб эътироф этилган ва тугатиш ҳайъати тайинланган. Банкрот корхонани тугатиш ҳайъати қарздорлар ва манфаатдор ташкилотлар даъволарини «Савдогарбанк» биноси (Саид Барака кўчаси 78-уй, 1-хона)да бир ой давомида қабул қилади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан «Гудзь» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси банкрот деб эътироф этилган ва тугатиш ҳайъати тайинланган. Банкрот корхонани тугатиш ҳайъати қарздорлар ва манфаатдор ташкилотлар даъволарини «Савдогарбанк» биноси (Саид Барака кўчаси 78-уй, 1-хона)да бир ой давомида қабул қилади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан «Нига» хусусий фирмаси банкрот деб эътироф этилган ва тугатиш ҳайъати тайинланган. Банкрот корхонани тугатиш ҳайъати қарздорлар ва манфаатдор ташкилотлар даъволарини «Савдогарбанк» биноси (Саид Барака кўчаси 78-уй, 1-хона)да бир ой давомида қабул қилади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан «Алем» масъулияти чекланган жамият банкрот деб эътироф этилган ва тугатиш ҳайъати тайинланган. Банкрот корхонани тугатиш ҳайъати қарздорлар ва манфаатдор ташкилотлар даъволарини «Савдогарбанк» биноси (Саид Барака кўчаси 78-уй, 1-хона)да бир ой давомида қабул қилади.

Алишер Навоий Интернэшнл Ўзбек-Америка қўшма корхонаси

Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК)нинг молия ажратиш шартларига асосан йигирув цехини кенгайтириш ва мавжуд мокили тўқув дастгоҳларини реактив тўқув дастгоҳлари билан алмаштириш лойиҳасининг атроф-муҳитга таъсири ҳақидаги хулосалар билан мазкур нашр чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзилларда кўриб чиқилиши мумкинлигини маълум қилади.

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Тарас Шевченко кўчаси 4, Тошкент, Ўзбекистон.

2. Жаҳон банки, Академик Хадича Сулаймонова кўчаси 43, Тошкент, Ўзбекистон.

Ўзбекистон Республикаси Инкассация бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси бирлашма бош директори ўринбосари — Тошкент шаҳри бўйича пул тушумини инкассация қилиш бўлими бошлиғи Ҳамдам Носирович Носировга рафиқаси

Мафтуха НОСИРОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 12

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом ,Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошлар тилга кирганда».
8.50 Лирик тароналар.
9.10 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.20 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.40 Кундузги сеанс: «Мария,Мирабелла Транзисторияда». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.35 «Оламга саёҳат».
12.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бахт гуллари». Видеофильм. 3-серия.
13.30-14.00 «Оила». Тележурнал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун «Севимли созим».
18.35 «ТВ патруль».
18.45 «Зилол». Мусиқий дастур.
19.05 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 1-қисм.
21.50 «Олам қўшиқ тўлсин». Мусиқий дастур.
22.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 37-қисм.
23.20 «Ахборот».
23.50 «Маънавият» дастури.
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Қувноқ учрашув», Мульттомоша)
18.40 «Буюк юрт фарзандиман».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр» Ахборот дастури.
19.30 «Сурур» Мусиқий дастур.
19.40 «Биринчи мўъжиза».
19.55, 20.30, 22.45 Эълонлар.
20.00 «Ёшлар» телеканалида премьера»Рей Брэдбери театри»Телесериал.
20.35 «Жаҳон» Халқаро шарҳ.
20.55 «Клип-антракт».
21.00 «Давр» Ахборот дастур.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Маслаҳат».
22.05 «Олам футболи».
22.25 Шарқ эстрадаси.
22.40 «Ёшлар» телеканалида.
22.50 Синема «Жонни-2000».
00.25 «Ёшлар» телеканалида.
00.30 «Спорт-қитъаси».
01.00 «Хайрли тун!»

ТТВ

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.25 «Телефакт» (Рус тилида)
18.35 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.20 «Қалб тароналари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Офисина» бари фирибгарлари». Телесериал.
21.55 «Телефакт».
22.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
22.30 «ДАРАКЧИ».
22.40 «Спорт-тайм».
23.05 «Хум». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 «ТТВнинг тунги меҳмони».
01.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

14.00-15.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари». (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
16.00 «Севги йўлида». Сериал .
17.00 «Бу ажиб дунё».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гриммлар. «Қўёнча ва типратикон».1-қисм.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 Душанба куни Познер билан. «Никобдаги киши» дастури.
18.45 Алла Пугачёва «Мени кутгил ва ёд ол» фильмида. 1-серия.
19.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20:35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25. «Вақт хазинасидан»
21.40 «Замонавий дизайн».
21.55 Клип-антракт».
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс: Джон Траволта «Тасодиф». Детектив фильмида.
00.15 «Ахборот « (рус тилида)
00.40 Тунингиз осуда бўлсин.

СЕШАНБА 13

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом ,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Эстрада тароналари.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 37-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.30 Ҳ. Муҳаммад. «Сеҳрли танбур». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
11.30 Сиртқи телевизион олимпиада.
12.05 «Мактублар-кабутарлар».
12.30 «Маънавият дастури.»
13.15 «Қўндуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
13.30 «Доира зарби».
14.10-14.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А.Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 1-қисм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кичкинтойлиз-гижингтойлиз».
18.30 «Бинокор».
18.50 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.10 «Иқтисодиет чорраҳаларида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида) .
20.00 Ўзбектелефильм намоиш этади. «Мингбўлоқ мамлакати».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессияси олдидан. «Парламент соати».
21.30 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
22.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик»- (Тошкент вилояти) - «Насаф» - (Қарши)
22.45 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Федерал полиция». Кўп қисмли бадиий фильм. 4-серия.
00.15 «Ахборот».
00.45 «Ўзлигинг намоён қил!»-Экранда- Сурхондарё вилояти.
01.15—01.20 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари»Телесериал 37-қисм.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр» Ахборот дастури.
19.30 «Клип-антракт».
19.40 «Мутолаа».
19.55, 20.30, 23.00 Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри»Телесериал.
20.35 «Парламент»Олий Мажлис сессияси олдидан.
20.50 «Сарвиноз»Мусиқий дастур.
21.00 «Давр» Ахборот дастури.
21.30 Мусиқий лаҳзалар.
21.35 «Газал соғинчи».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Тошкент» Гуруҳининг янги саргузаштлари.
22.20 «Спорт қиъатаси».
22.40 «Янги овоз: Баҳодир Мамажонов.
22.55 «Ёшлар» телеканалида.
23.05 Синема» Мағлуб фариштa».
00.35 «Ёшлар» телеканалида.
00.40 «Хайрли тун!»

ТТВ

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.35 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Суҳбатдош».
20.20 Мусиқий лаҳзалар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Офисина» бари фирибгарлари».Телесериал.
21.55 Ҳудуд «М». Ёшлар дастури.
22.20 «Ҳиндистондан салом!».Мусиқий тўплам.
22.30 «ДАРАКЧИ».
22.40 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
23.10 «Спорт оламида».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 «Кинонигоҳ».
01.20 Тунги тароналар.
01.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6:30-8:00.
14:00-15:10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Бинафша».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Вақт хазинасидан».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гриммлар. «Қўёнча ва типратикон». 2-қисм.
18.00 Клип-антракт.
18.05 «Мавзу».
18.45 «Мени кутгил ва ёд ол». 2-серия.
19.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар».
20.00 «Время».
20:35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21:20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Спорт-машина».
21:40 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
21.55 Клип-антракт.
22:00 «Вести».
22.30 Киносеанс: «Қора қурт». Бадиий фильм. (АКШ)
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА 14

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом ,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
9.00 «Мураббий». Спорт дастури.
9.20 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.25 «Зиё».
11.05 «Ҳуқуқий жамият сари».
11.20 «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи». Почтасидан.
12.05 «Сиртқи телевизион олимпиада».
12.30 Кундузги сеанс: «Федерал полиция». Кўп қисмли бадиий фильм. 4-серия.
14.10 «Кафолат».
14.35-15.05 Болалар учун «Санъат ғунчалари».
***
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» (Наманган) - «Нефтчи» - (Фарғона)
18.10 «Сени Ватан кутади».
18.30 «Ранглар жилоси».
18.45 «Тафсилот».
19.05 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим- тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида.
22.05 «Ватан, мадҳингни қуйлайман». Мусиқий дастур.
22.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 2-қисм.
23.10 «Ахборот».
23.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 38-қисм.
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Билогон маслаҳати», Мульттомоша)
18.40 «02» тўлқинида.
18.55 Клип-антракт.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози». Мусиқий дастур.
19.35 «Рақурс». Халқ шоири Муҳаммад Юсуф.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 23.05 Эълонлар.
20.35 «Ёшлар» телеканалида.
20.40 «Қалб садолари».
20.55 «Ёшлар» телеканалида.
21.00 «Давр»Ахборот дастури.
21.35 «Ракслар қанотида».
21.55 «Эркин фикр».
22.20 «Мусиқий лаҳзалар.
22.25 «Давр»- интервью.
22.35 «Каталог».
22.45 «Гуллар орасида».
23.00 «Ёшлар» телеканалида.
23.10 Синема. «Поклик асри».
01.00 «Ёшлар» телеканалида.
01.05 «Хайрли тун!»

ТТВ

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.25 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.15 «Глинка-44».
19.25,19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Хусусийлаштириш қадам - бақадам».
20.20 Мусиқий дақиқалар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Янги иқтисод». Бевосита мулоқот.
21.30 «Офисина» бари фирибгарлари».Телесериал.
22.20 «Менинг Тошкентим». Муаллифлик кўрсатуви.
22.50 «ДАРАКЧИ».
23.00 «Унвони инсон». Телефильм.
23.15 «Кўзгу». Тележурнал.
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6:30-8.00
14:00-15:10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ..
15:10 «СНН. Жаҳон янгиликлари». (инглиз тилида)
15.40 «Мюзик-холл».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Спорт-машина».
17.15 Геннадий Хазанов, Ролан Биковлар иштирокидаги комедия.
17.45 «Мультчархпалак».Ака-ука Гриммлар. «Темир одам». 1-қисм.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси
18.05 «Инсон ва қонун».
18.45 «Мени кутгил ва ёд ол». 3-серия.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
20.00 «Время».
20:35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал
21:20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
22:00 «Вести».
22.30 Киносеанс: Стив Мартин «Фирибгарлар найранги»фильмида.
00.10 «Ахборот» (рус тилида).
00.35 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА 15

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом ,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Қўшиқ-маънавият кўзгуси».
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 38-қисм.
10.00,12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ассалом. япон тили».
10.25 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
10.55 Кундузги сеанс: «Ҳаворанг атиргул». Бадиий фильм.
12.05 «Қўндуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
12.35 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.55 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
13.10 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий публицистик кўрсатув.
13.30"Шарқ тароналари» II Халқаро музиқа фестивали олдидан.
14.10-14.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 2-қисм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд-умид юлдузи».
18.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.45 Футбол майдонларида.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида.
22.05 «Ҳаёт гули». Мусиқий дастур.
22.35 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Федерал полиция». Кўп қисмли бадиий фильм. 5-серия.
00.05 «Ахборот».

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 38-қисм.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Мусиқий лаҳзалар».
19.35 «Мушоира».
19.40 «Тараққиёт».
19.55, 20.30, 23.20 Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.35 «Мулоқот».
20.50 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 Баҳодир Рахимов куйлайди.
21.55 «Мутойиба».
22.15 «Мезон».
22.35 Мусиқий лаҳзалар.
22.40 «Ёшлик формуласи».
22.55 «Мусиқий глобус».
23.15 «Ёшлар» телеканалида.
23.25 Синема. «Ажалнинг уруғи».
00.50 «Ёшлар» телеканалида.
00.55 «Хайрли тун!»

ТТВ

17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.20 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.10 «Чанг тароналари». Телефильм.
19.25,19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ханда дўкони».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Виждон». Телесериал.
21.55 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.10 Дилрабо тароналар.
22.35 « ДАРАКЧИ».
22.45 «Яхши кайфият».
23.15 «Ал-Фарғоний». Телефильм.
23.35 «Жаҳон спорти».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
00.00 Кинонигоҳ.
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
14:00-15:10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15:10 «СНН.Жаҳон янгиликлари»(инглиз тилида).
15.40 «Дил изҳори».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Жонли сайёра».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гриммлар.»Темир одам». 2-қисм.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси
18.05 «Эслашлари учун...».Юрий Белов. Кўрсатувни Л.Филатов олиб боради.
18.45 «Алла Пугачева.Янгича тарих». Фильм премьераси.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
20.00 «Время».
20.35 «Филипп Марлоу». Детектив сериал.
21.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Коктейль плюс».
21.40 « Кино сайёраси».
21.55 Клип-антракт.
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: «Бронкс воқеаси».
00.15 «Ахборот» (рус тилида) 00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА 16

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом ,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Бархаёт наволар». Комилжон Жаббаров.
9.15 «Манзил».
9.30 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Зийнат».
10.25 Немис тили.
10.55 «Етгил камолга» Спорт дастури.
11.10 «Сиҳат-саломатлик». Почтаси.
11.30 «Рақс, Рақс, Рақс».
11.45 «Озод юрт одамлари».
12.05 «Абадият қўшиғи».
12.30 Кундузги сеанс: «Федерал полиция». Кўп қисмли бадиий фильм. 5-серия.
14.10 «Шарқ тароналари».
14.30-14.55 «Кодекс».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Юрт хавоси-тан давоси».
18.25 «Олтин тўп». Теннис клуби.
18.40 «Баркамол авлод орзуси.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 , 21.50 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз-гроссмейстер».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 3-қисм.
21.55 «Қўшиққа кўчган сатрлар». Нилуфар.
22.35 Дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.05 «Халкнинг қўнгли».
23.30 «Ахборот».
24.00 «Сени севдим». Бадиий фильм.1-серия.
01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Эркатой», Мультомоша)
18.40 «Қизим, сенга айтаман_».
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
19.45 «Далил ва шарҳ».
19.55, 20.30, 23.10 Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.35 «Матбуот».
20.50 «Баҳор наволари».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 Танишинг: Беҳзод Юсупов.
21.50 «Ҳуқуқ ва бурч».
22.05 «Автосалтанат».
22.20 «Талабалар шаҳарчаси.
22.35 «Ёшлар куйлайди».
22.50 «Ёшлар» телеканалида.
22.55 «Шарқ оҳанглари».
23.15 Синема. «Зиц-раис». Комедия.
00.50 «Ёшлар» телеканалида.
00.55 «Мунаввар тонг истаб».

ТТВ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
9.25 Кўнгил тароналари.
9.50 Болажонлар экрани.
11.30 «Ракслар жилоси».
11.50 «Фаровонлик бекати».
12.10 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
12.40 Эстрада концерти.
12.55 «Кўзгу». Тележурнал.
13.15 Ҳудуд «М». Ёшлар дастури.
13.40-15.20 «Кинонигоҳ».
***
17.55 «ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.25 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.15 Кичик концерт.
19.15, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Саодат калити».
20.20 Мусиқий дақиқалар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Виждон».Телесериал.
21.55 «Катталар учун эртак».
22.10 «Баҳорнинг узайган куни».Телефильм.
22.50 «ДАРАКЧИ».
23.00 «Гиннес-шоу».
23.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.35 «Тунчирок». Дам олиш дастури.
23.55 «Кинонигоҳ».
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
14:00-15:10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15:10 «СНН. Жаҳон янгиликлари». (инглиз тилида).
15.40 «Тасвир-99».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Коктейль плюс»
17.15 «Джентельмен-шоу.».
17.45 «Мультчархпалак».Ака-ука Гриммлар. «Ганс ва Гретель».1-қисм.
18.10 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси
18.15 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
20.00 «Время».
20.35 «Филипп Марлоу».Детектив сериал.
21.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 «Оскар мукофоти совриндорлари-1971 йил.»
22.50 Кинематограф:» M.A.Sh».
00.30 «Ахборот» (рус тилида)
00.55 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА 17

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом ,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони».Телеальманах.
9.10 «Мозийдан бир мўъжиза».
9.25 «Ёзувчи ва замон».
«Умид» намойиш этади:
9.45 «Кўзгу».
10.15 «Мен билган , билмаган дунё «.
10.40 «Нихол-99». Талабалар театр студияларининг фестивали.
11.20 «Ёднома».
11.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 3-қисм.
12.35 «Тадбиркорлик: бугун ва эртага».
12.55 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
13.10 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
13.45 «Сайқал».
14.05-15.15 Кундузги сеанс : «Шаҳризорданинг янги эртаги». Бадиий фильм.1 серия.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳа, Ҳа, Ҳа». Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эрталари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ ҳаёти».
21.25 «Изҳор». Мусиқий дам олиш дастури.
22.25 «Саҳна ҳаёти». «Наврўз-99». Театр фестивали якунларига доир.
22.50 «Ахборот».
«Тунги ёғду» Дам олиш дастури:
23.20 Киноконцерт.
23.40 «Сени севдим». Бадиий фильм. 2-серия.
01.10 Дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионати.
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Сурур».
10.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 37-қисм.
10.50 «Ёшлар» телеканалида.
10.55 «Танишинг»: Баҳодир Пирматов.
11.10 «Рақурс».
11.35 «Қалб садолари».
11.45 «Буюк юрт фарзандиман».
12.00 «Мусиқа тўғрасида».
12.20 «Олтин тўлпор дуоибади». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
12.50 «Ракслар қанотида».
13.10 «Кинотақдим».
13.30 «Антиқа».
13.50 «Ёшлик формуласи».
14.05 «Баҳор наволари».
14.15 «Мезон».
14.35 «Туйғу». (А.Қодирий ижоди борасида)
14.55 «Кунг-фу тарихи». Телесериал.
15.40 «Спорт қиъатаси».
16.00 Синема.
17.40 «Хит-коллекция».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Уйна болажон, уйна», Мультомоша)
18.40 «Хотира майдони».
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Тинчлик маданияти».
19.45, 20.20, 23.30 Эълонлар.
19.50 «Олтин тўлпор дуоибади». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
20.25 «Равнак».
20.40 «Ер ишки». Мусиқий дастур.
20.55 «Ёшлар» телеканалида.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Сир».
21.50 «Клип-антракт».
21.55 «Баҳс, мунозара, таҳлил».
22.15 «Эски альбомдан».
22.20 «Спорт хафтаномаси».
22.40 «Телевикторина».
22.45 «Ирик планда».
23.05 «Сенинг вақтинг».
23.25 «Ёшлар» телеканалида.
23.35 Синема. «Нико-1».
01.05 «Ёшлар» телеканалида.
01.10 «Хайрли тун!»

ТТВ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
9.15 «Жозиба».
9.30 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.15 «Ханда дўкони».
10.40 Болажонлар экрани.
12.10 «Спорт -тайм».
12.35 «Бева Бланка». Телесериал.
13.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
13.35 «Яхши кайфият».
14.05 «Дўстлик» видеоканали: «Умид», «Бизнен мерас», «Немис шарҳи» .
15.00-16.40 «Кинонигоҳ».
*
17.55 « ДАРАКЧИ».
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ерилтош».Мульттўплам.
18.35 «Қонун ҳимоясида».
18.45 «Яхши, ёмон йигитлар».Телесериал.
19.25,19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Мисли гавҳар».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳамшаҳарлар».
21.35 «Даллас». Телесериал.
22.25 «Таянч».
22.45 «ДАРАКЧИ».
22.55 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
23.30 «Ер курраси».
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 «Кинонигоҳ».
01.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

9:00 Кўрсатувлар тартиби.
9:05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф.»Бронкс воқеаси».
11.05 «Фан-тайм».(инглиз тили болалар учун).
11.15 «Жонли сайёра».
11.30 «Уммон».
11.50-12.20 «Жонли тил».
17:00-18:45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Бинафша».
19.15 «Биргаликда куйлаймиз».
Россия жамоат телевидениеси
20.00 «Время».
20.35 «Махфий хужжатлар». Сериал.
22.15 «Ўорлднет» янгиликлари.
22.30 Кинематограф: Роберт де Ниро»Даҳшат кўрфази»фильмида.
00.30 «Ахборот» (рус тилида)
00.55 Тунингиз осуда бўлсин!

ЯКШАНБА 18

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом ,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Ғароийиот».
9.30 «Бўстон». Тележурнал.
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Болалигим-пошшолигим».
11.30 «Ёшлик баҳори».
*
12.05 «Инсон-ҳаёт гултожи».
12.20 «Шоҳруҳ» клуби.
12.50 «Эъзозлари қўшиқлар». Мусиқий дастур.
13.10 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
13.50 Кундузги сеанс:»Шаҳризорданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 2-серия.
*
15.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) -»Навбаҳор» (Наманган) «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида «Йўқу салтанати». Мультфильм.
16.50 Кўрсатувлар тартиби.
16.55 Болалар учун. «Фламинго».
17.15 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
17.40 «Кишлоқ ҳақида ўйлар».
18.00 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
18.30 «Ўйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
18.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома»(рус тилида)
20.05 «Санъат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
21.55 «Телевизион миниатюралар театри». «Аср мўъжизаси».Кинодастури.
22.35 «Кино янгиликлари».
22.55 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
23.15 ЎзТВ экранида биринчи марта «Федерал полиция». Кўп қисмли бадиий фильм. 6-серия.
00.45 «ТВ-1 намойиш этади».Телеанонс.
01.00-01.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Инглиз тили Сиз учун».
10.15 «Мусиқий лаҳзалар».
10.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 38-қисм.
11.20 «Ёшлар» телеканалида.
11.25 «Якшанба-болалар учун».
11.50 «Лаззат».
12.10 «Синфдош».
12.35 «Нодирбек Лутфуллаев куйлайди».
12.55 «Олтин тўлпор дуоибади». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
13.25 «Мутойиба».
13.50 «Баҳс».
14.20 «Цирк, цирк, цирк».
14.40 «Дастҳат». Суннатулла Қорабоев.
15.00 «Маслаҳат».
15.10 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
15.20 «Ўзбекистон қанотлари».
15.35 «Бақо гули». Мусиқий дастур.
15.50 Синема.
17.30 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур
***
17.45 «Бугуннинг боласи».
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Катта танаффус»)
18.40 «Жаҳон халқлари эстрадаси».
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Бир жўфт қўшиқ».
19.45, 20.20, 23.15 Эълонлар.
19.50 «Олтин тўлпор дуоибади». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
20.25 «Дунё ҳафта ичида».
20.45 «Икки дил тароноси».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Бари хазил».
21.50 XXI-аср сари «Садо-99» профессионал қўшиқчилар кўрик танлови.
22.50 «Миллионлар ўйини».
23.10 «Ёшлар» телеканалида.
23.20 Синема. «Нико-2».
00.50 «Ёшлар» телеканалида.
00.55 «Тонг юлдузи».

ТТВ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Мультжумбоқ.
9.15 «Дурдона».
9.35 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.20 «Сурхон тонги». Телефильм.
10.40 Болажонлар экрани.
12.10 Уйғун, И.Султон «Алишер Навоий». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.35 «Сирли олам».
14.55 «Бева Бланка». Телесериал.
15.40 Хориж ҳангомаси.
16.00 «Такрорий фильмлар экрани».
17.35 «Жозиба».
*
17.55 « ДАРАКЧИ».
18